

Душанба ва пайшанба кунлари амаллар арз қилинади



16:54 / 08.11.2021 7253

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Душанба ва пайшанба кунлари амаллар арз қилинади. Шунда Аллоҳ аzza ва жалла ўша кунда Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаган ҳар бир бандани мағфират қилади. Фақат биродари билан орасида душманлик бор кишигина бундан мустасно. Шунда: «Иккисини ораларини ислоҳ қилишгунча кутиб туринг. Иккисини ораларини ислоҳ қилишгунча кутиб туринг», дейилади», дедилар».**

Муслим ривоят қилган.